

Ҳомиджон Зоҳидов

Шифо

х а з и н а с и



ДАРАХТЛАР МУЪЖИЗАСИ

Учинчи китоб


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 615.32

КБК: 53.58

3 – 85

Зоҳидов, Ҳомиджон

Шифо хазинаси: дарахтлар мўъжизаси. Учинчи китоб. Таржимон Жамол Шаропов/ Ҳ. Зоҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 йил. – 188 б.

ISBN 978-9943-27-618-5

Дарахтлар... Биз уларнинг соясида ҳузурланиб, мевасидан баҳраманд бўламиз, шох-шаббалари, танаси ва кундасидан ўтин сифатида фойдаланамиз. Тол, терак, қайрағоч ва арча дарахтларидан қурилиш материаллари, эшик-деразалар ясалса, тут, ёнғоққа ўхшаганлар чолғу асбоблари яшашда, халқ амалий санъати ва ўймакорликда қўл келади. Энг муҳими, уларнинг гули ва барги, меваси, елими ҳатто танасидаги пўкаклару томиригача инсон саломатлиги учун дори-дармон, шифобахш шарбат ва дамлама бўлишини ҳамма ҳам билавермайди.

Сизга ҳавола қилаётганимиз Ҳомиджон Зоҳидовнинг «Шифо хазинаси» китобининг учинчи рисоласи «Дарахтлар мўъжизаси» деб номланиб, ана шу мўъжизалар сир-асрорлари ҳақида гап боради. Келинг, тафсилотларга тўхталиб ўтирмайлик, китобни ўқиб, мўъжизалар нималардан иборат эканини билиб олишни ўзингизга ҳавола қилайлик.

УЎК: 615.32

КБК: 53.58

Таржимон
Жамол ШАРОПОВ

ISBN 978-9943-27-618-5

© Ҳ.Зоҳидов. «Шифо хазинаси: дарахтлар мўъжизаси. Учинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2015.

АНЖИР

Анжирнинг ватанини Фарғона водийси деса ҳам бўлади. Гарчи бу қадимий ва шифобахш мева Марказий Осиёнинг иқлими иссиқ минтақаларида кўп учраса-да, энг сархили, ширин ва тўйимлиси, хуштаъм ва шифобахши Фарғона водийсида ўсади. Анжир асосан озуқа сифатида истеъмол қилинса-да, қадим замонлардан халқ табобатида жигар, талоқ ва ўпка шамоллашида дори сифатида қўлланилган. Ундан тутқаноқ, асаб ва ичак касалликларини даволашда фойдаланилган. Унинг меваси ва қоқисидан тайёрланган дамлама йўталга, балғам кўчиришга, шарбатига асал аралаштирилгани кўз хасталикларига шифо бағишлаган.

Шарқнинг буюк алломаси ибн Сино ҳам анжир мевасини йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи восита сифатида қўллаган. Шу билан бирга барги ва бошқа қисмларидан ҳам табобатда фойдаланилган.

Мизожи биринчи даражада иссиқ ва иккинчида хўл.

Унинг шифобахш хислатлари: янги узилган ва яхши пишган меваси ейилса, ични юмшатади, бадандаги ички шишлар ва қуюқлашган моддаларни таҳлил қилади, меъда ва ичакларни бегона моддалардан тозалайди, тутқаноқ ва тананинг бошдан оёққа қадар бир томони ишламай қолиши (фалаж)га даво бўлади, озуқа сифатида бошқа меваларга қараганда кучли, меъдада тез ҳазм бўлади, терлатади, бадан ҳарорати ва ташналикни бартараф қилади, ғазаб қайнашини босиб, юракка ҳузур бағишлайди. Агар қирқ кунгача наҳорда ейилса, баданни семиртиради, юрак ўйнаши, нафас қисиш, ҳаво

етишмаслик, йўтал иллатлари, кўкрак ости аъзолари ва ўпка дардларига даво бўлади, жигарга куч беради, талок, бавосир тутулиши ва шишларга, буйрак бужмайиши, сийишдаги қийинчиликлар ва чакмезакни бартараф қилади, шиш ва чиқиқларни пиширади. Анжир бодом ва писта мағзи билан ейилса, бадани сушт ва ночор одамларга яхши фойда беради, танадаги толиқишларни бартараф қилади, ақлни пешлайди, мияни бақувват қилади. Агар ёнғоқ мағзи билан ейилса, захри ёмон газандалар чақишидан омон сақлайди. Борди-ю, анжир истеъмолидан кейин одам ўзини ёмон ҳис этса, устидан дарҳол сканжабин (сирка асал) ичиб юборилса, нохушликни бартараф этади.

Барглари кўм-кўклик пайтида шохи синдирилса ёки барги узилса, ўша жойдан сут оқади. Ана шу сутни асалга аралаштириб хоҳ кўзга суртилсин, хоҳ томизилсин, унга тушган ва хиралаштирган пардани йўқ қилади, шунингдек, кўз гавҳарига тушган зардоб бошланғич босқичда бўлса, уни ҳам бартараф этади, агар кўз касали ўзгарган, яъни, дағаллашган бўлса, ўз ҳолига келтирса, баргининг суви суртилса, кўз киприкларидаги қичиштирадиган иллатларга шифо бўлади.

Қуритилган анжирнинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўл бўлади. Лекин янги узилган, ҳўл анжирга нисбатан бунисининг шифобахш хислати сустроқ. Агар қуритилгани ейилса, одамни чанқатади, ҳазми оғир, бироқ ични юмшоқ қилади, ёмон ҳидли моддаларни тери томон суради. Борди-ю, кўп истеъмол қилинса, баданда бит пайдо қилади. Шу билан бирга, иссиқ мизожли моддалардан пайдо бўлган фалажлик иллатларига, иссиқ мизожли одамларга, бел оғриғи, чакмезакларга фойдаси бор. Қуруқ анжир буйракни иссиқ қилиши боис, эркаклар олатини ҳаракатга келтиради. Анжир билан ёнғоқ мағзидан тенг миқдорда майдалаб туйиб ҳар кун 90 граммдан еб турилса, юқоридагидек таъсир қилади ҳамда чаён чаққани ва

бошқа заҳарларга қарши тарёк бўлади, ични келтиради. Яна анжир ёнғоқ мағзи билан ейилса, йўғон ичак яраси бўлмиш қулунж дардини бартараф қилади ва ичи қуруқ келадиган одамларнинг ичини юмшатади. Хўл ва қуруқ анжирни ейиш тутқаноққа ва мияга куч бағишлашда дори бўлади.

Қуруқ анжир туйиб сепилса, бошдаги яра ва жароҳатларни қурийтиб, сиҳатлик бағишлайди.

Анжирни ялпиз ва асал билан бирга ялаб ейдиган даражага етгунча қайнатиб, совиганидан кейин яланса, кўкрак ости ва ўпка аъзоларига дармон бўлади.

Анжирни сувда қайнатиб, ўша сув билан ғарғара қилинса, тил ости шишлари ва ўпка дардини, ҳуқна қилинса, ичакдаги дардларни бартараф этади.

Агар анжирни узумнинг ўткир сиркасида тўққиз кун ивитиб қўйиб, кейин ҳар кун унинг беш донаси озроқ сирка билан истеъмол қилинса, талоқ шишларини бартараф қилади. Хом анжирни бир кеча кундуз сиркада ивитиб қўйиб, кейин ейилса ҳам худди шундай фойда қилади.

Анжирдан шарбат тайёрлаб истеъмол қилинса, эски йўтални бартараф қилади, бадан аъзоларидаги тиқилмаларни очади, буйрак ва қовуқни бегона нарсалардан поклайди.

Тоғ ва саҳро анжири боғларда, яъни, сувли ерларда унадиган анжирдан ҳар жиҳатдан кучли таъсирли бўлади.

Унинг мевасини пишириб, ёлғиз ўзини ёки буғдой, арпа уни, ёки тоғда ўсадиган савсан (оқ гул) томири билан туйиб, хамир қориб боғланса, қулоқ шишлари ва бошқа қаттиқ шишлар, шунингдек, бўйин ҳамда қўлтиқ остига чиққан чўчкабўйин (ханозер)ни таҳлил қилади, сўгалларни қурийтиб тўкиб юборади, таранг тортган асабларни юмшатади, теридаги доғларни, шунингдек,

оқ доғларни йўқ қилади, бўғимлар дардини, подаграни бартараф қилади. Агар у кўпган хамир ёки хамиртуруш билан бирга боғланса, тошма яраларни пиширади, туйилган аччиқтош билан аралаштириб боғланса, оёқнинг зардоб оққан бош бармоқларига шифо бағишлайди, анорнинг туйилган пўстига аралаштирилиб боғланса, бармоқлардаги милкакларга дори бўлади. Тоғ анжири қайнатилган сувда аччиқ шувоқ туйилиб қўшилган арпа уни қориб боғланса, меъданинг бод қоплаши ва шишиб катта бўлишига шифо бағишлайди.

Пишган анжирни арпа уни билан қориб, хамир қилиб иссиқма-иссиқ боғланса, ҳар хил дардларга даво бўлади. Борди-ю, тоғ анжирини туйиб, зайтун ёғида қориб тишга суртилса, уни оппоқ қилиб, милklarини мустаҳкамлайди ва кучли қилади, ундан қон кетишини тўхтатади. Тоғ анжирининг туйилгани жароҳатларга сепилса, уларни йирингдан тозалайди, теридаги доғларга қўйиб боғланса, уларни даф этади, истеъмол қилса, қонли ич кетишни тўхтатади.

Тоғ анжирини зайтунли мумёғи билан қориб, қўйиб боғланса, аъзоларнинг совуқдан ёрилишига малҳам бўлади, сирка ва товуқ тухумининг сариги билан қаттиқ хамир қориб, оловда иситиб боғланса, меъда дардларига шифо бағишлайди.

Унинг куйдирилганини асал билан аралаштириб, жунли латтани ўша аралашмага ботириб аёллар тагдан кўтаришса, бачадон яраси ва жароҳатларини поклайди, зарарли рутубат ва қон кетишини тўхтатади.

Хом анжирнинг мизожи совуққа мойилроқ. У пишириб боғланса, ханозер (бўйин ва қўлтиқ тагига чиқади-ган ёмон яра – қулғуна)ни таҳлил қилади, таранг тортган асабларни бўшаштиради, сирка ва тузга аралаштириб

боғланса, хўл яраларга шифо бўлади, асал билан қориб боғланса, қутурган ит қопганига даво бўлади. Унинг пишгани кўкнор барги билан туйиб суртилса, синган суяк парчаларини аъзолар ичидан тортиб чиқаради. Бир-икки дона хом анжир қаттиқ гўшт билан қайнатилса, гўшни дарров юмшатади.

Анжир сути кўзга томизилса, кўз гавҳарининг ичига тушган сувни даф этади. Пахтани анжир сувига хўллаб, оғриган тишнинг тагига босилса ёки қурт еган тишнинг қавагига тиқилса, оғриқни босади. Ширин бодом мағзи билан бирга туйиб ейилса, ични юмшоқ қилади ва бачадон қаттиқлиги хатарли бўлса, даф қилади. Агар уни ёғга қориб сўгал ва тошмаларга кўйиб боғланса, уларни қуритиб тўкиб юборса, қуруқ ялпиз билан қориб боғлангани, қўл ва оёқларнинг панжаларидаги шишлар, яъни, подаграга шифо бағишлайди. Арпа уни билан аралаштириб хамир қориб боғланса, хўл қўтир ва қуруғини теридан йўқ қилади, шунингдек, теридаги оқ ҳамда сепкилли доғларни йўқотади. Агар ёлғиз ўзи суртилса, ари ва бошқа жониворлар (жумладан, қутурган ит тишлаганига) чаққанига даво бўлади, терини доғлардан тозалайди.

Анжир баргини хўллигича туйиб, жароҳатларга боғланса, шифо бағишлайди, хўли зарар қилса, қуруғи туйиб боғланса, бадан терисининг кўчиб тушишини тўхтатади. Агар анжир барги сувда қайнатиб боғланса, кучли зарба урилган суякларга фойда қилади, агар туйиб, сувда аталага ўхшатиб қориб бошга суртилса, соч тўкилишининг олдини олади.

Баргининг суви қуёшда қуюқлаштирилса, мизожи ҳаддан ташқари иссиқ бўлиб, терига жароҳат етказиши. Агар ана шу қуюқ шарбат кўйиб боғланса, маъъад яралари оғзини очади, сўгалларни қуритади, холларни даф қилади.

Анжирни кўп ейиш жигар ва меъдага зарар қилади, айниқса, хўлида бу хислат кучлироқ. Шунингдек, тишларга ҳам зиёни бор. Агар қуруғи зиён қилса, ёнғоқ мағзи ва кийик ўти истеъмол қилса, хўли зиён қилса, сканжабин ва равоч сувидан ичилса, зарарни бартараф қилади.

МЕВАЛАР СУВИ

Меваларга шакар қўшиб сувда қайнатилади ва ана шуниси компот дейилади.

Мева сувларининг мизожи ўша меваларга қараганда латифроқ ва ёқимлироқдир.

Унинг шифобахш хислатлари: ҳар бирининг шифобахшлиги қайси меваники бўлса, ўшанга хос бўлади. Масалан, олхўридан тайёрланган компот ташналик шиддатини босади, тана ҳароратини пасайтиради, танада куйган моддани ислоҳ қилади, талоқ дардини даф қилади. Агар беҳидан тайёрланган бўлса, асосий аъзолар, яъни, юрак, мия, жигар, меъда, буйрак ва мойларни бақувват қилади, шунингдек, ҳар учала руҳни, яъни, нафсоний руҳни, қайсики, бу қувват бош мағзига, юракка алоқадор бўлган қувват – ҳайвоний руҳ ва жигарга алоқадор бўлган қувват – табиий руҳга куч бағишлайди, шунингдек, ҳазм аъзолар (меъда, жигар, ичаклар ва талоқ)га алоқадор ҳазм қувватини оширади ва бадандаги моддаларнинг бадбўй ҳидларини йўқотади.

*Борди ю, шарбат олмадан тайёрланса,
юрак ўйнаши ҳамда беҳузур бўлиши,
сафроли иллатлар, жигар ҳарорати ва
иссиғи, сариқ хасталиғи, ўт нуфағи,
сариқ сув каби иссиқ дардларни бартараф
қилади.*

Компот узум майизидан тайёрланса, овозни жангдор қилади, бадан тиқилмаларини очади, ўт қопчиғи сафросига шифо бағишлайди.

Ҳаммасидан кам фойда берадигани ўрик компоти бўлиб, сабаби, у бадҳазм ва ел пайдо қилади.

ТУТ

Тут дарахти бизнинг юртларда шу даражада кўп ўсадик, очиғини айтганда, унчалик қадрига етилмайди, ундан ипак қурти озуқаси, мевасидан озуқа ва танасидан ўтин ҳамда айрим чолғу асбоблари яшашда фойдаланилади, холос. Аслида эса бу дарахтнинг хосияти беҳисоб. Мевасининг таркибида қанд, азотли моддалар, органик кислоталар, макро ва микроэлементлар бўлса, пўстлоғи ва баргларида алкалоид тригонеллин, ошловчи ва бўёқ моддалар, С витамини, каротин, эфир мойи, углеводлар, аминокислоталар, органик кислоталар, глюкозидлар мавжуд. Гап асосан маданийлаштирилган – пайванд қилиниб, ҳосил олинадиган тут навлари ҳақида бормоқда.

Қадим замонлардан Шарқ табобатида тутдан, айниқса, балиқ тути ва оқ тутдан шифобахш неъмат сифатида фойдаланиб келинган. Жумладан Абу Али ибн Сино оғиз ва томоқ яллиғланишини, оғиз бўшлиғидаги шишларни тут меваси ва шираси билан, танглай муртақларининг яллиғланиши ҳамда тиш оғриқларини даволашда балх тутининг сархил баргларининг ширасидан фойдаланган. Шунингдек, халқ табобатида балх тути иситма қайтарувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилган.

Озуқа сифатида ҳам ҳўл, ҳам қуруқ ҳолида истеъмол қилинади. Балиқ ва оқ марварид тутнинг қуритилганидан тайёрланган мураббо ва шинни, сирка ва талқон тўйимлилиги ва шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Тутнинг мизожи биринчи даражада иссиқ бўлиб, иккинчи даражада ҳўл, жуда ширин навлари иккинчи даражада иссиқ.

Унинг шифобахш хислатлари: истеъмол қилинса, баданда соғлом қон пайдо бўлади, қуруқ мияга рутубат – ҳўллик бағишлайди, бадандаги тикилмаларни очади, жигар ва талоқ ҳолсизликларини бартараф этади, одамни семиртиради, жинсий қувватни оширади, буйрак чарвисини кучли қилади, пешобни юргизади, ични юмшатади, теридаги сувли тошмалар, қизил чиқиқларга дори бўлади.

Барги пўрсилдоқ шишчалар ва сувли яраларга қўйиб боғланса, тезда пишириб ёради ва шифо бағишлайди.

35 грамм томирини сувда қайнатиб, ўша сув ичилса, қориндаги ошқовоқ уругига ўхшаган қуртларни бадандан ҳайдайди. Шу миқдордаги тут томирини 300 грамм сувда то тўртдан бир қисми қолгунга қадар қайнатиб, қолган сув шакар ёки асалга аралаштириб ичилса, захарли гиёҳларни ейиш ёки бошқа захарли истеъмолдан томоқнинг олиниши, ҳалқумнинг бўғилиши, кўкрак остидаги пардалар шиши, бел оғриғи ва қуймич аралаш бўкса оғриғига, агар хом хилтлар тўпланишидан юз берган бўлса, яхши фойда қилади.

Агар баргини сувда қайнатиб, ўша сув ичилса ҳам юқорида айтилгандек фойдаси бўлади. Тут томири қайнатилган сув билан ғарғара қилинса, томоқ бўғилиши ва томоқдаги ҳавfli яра (ханозер)ни бартараф қилади. Ўша томир туйиб боғланса ҳам шундай фойда қилади. Тутнинг ингичка томиридан 28 граммни сувда қайнатиб, 75 грамм анжирни ярим литр сувда ярми қолгунча қайнатиб, кейин иккаласи аралаштириб ичилса, савдо хилтини зудлик билан даф айлайди. Агар тут илдизини сувда қайнатиб, ўша сув ташқаридан қуйилса, тиш



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2933> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2933> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2933>